

Date: 9th June-2026

XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ-XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА
СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

Р.Ж.Шукуров

Низомий номидаги ЎзМПУ в/б доценти, PhD



XIX асрнинг 60-йиллари ва XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида Амир Насруллоҳдан сўнг Бухоро амирлигини бошқарган манғит хонадони вакилларида Амир Музаффар, Амир Абдулаҳадхон ва Амир Олимхонларнинг давлат бошқарувидаги асосий фаолияти ва Бухоро давлати сиёсий ҳаётининг асосий жараёнлари Россия империясининг мустамлакачилик ҳарбий юришларига қарши курашлар ва унга тобелик давридаги жараёнлар билан хусусиятланса, Амир Олимхон ҳукмронлигининг сўнгги йиллари большевиклар ҳокимияти ва Қизил армия қўшинларига қарши кураш жараёнлари билан боғлиқ ҳолда кечди ва Бухоро амирлигининг давлат сифатидаги мавжудлиги 1920 йилгача давом этди.

Амир Насрулло ҳукмдор сифатида давлатнинг ички ва ташқи душманларига ҳақиқий зарбани берди. Амир Насрулло томонидан олиб борилган ҳарбий-сиёсий ислохотлар натижасида давлатнинг ҳарбий қудрати мустаҳкамлана борган. Олиб борилган тинимсиз урушлар баробарида Қўқон хонлиги (1842й) ҳамда Шаҳрисабз (1856й) беклиги эгалланади. Амир Насрулло ташқи сиёсат масаласида олдинги давлат бошлиқларидан фарқли равишда, Марказий Осиёнинг иқтисодий салоҳиятига талабгор бўлган икки йирик давлатлар Россия ва Англия билан очиқ сиёсат олиб бориш дастурини амалга оширган. XIX аср 30-йилларининг бошларида Бухоро амирлигига Вест-Индия компаниясининг топшириғи билан келган лейтенант Александр Бернс билан олиб борилган музокаралар асосида Англия давлати билан қисқа муддатга бўлсада, ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилади¹⁸. Шу билан бирга, айрим тарихий манбаларда амир Насрулло шафқатсиз ҳукмдор сифатида эътироф этилади. Лекин инглиз олими Уилер амир Насруллони: “шафқатсиз ҳамда мустабид ҳукмронлигига қарамасдан, у давлат қурилиши йўлида бир қатор ижобий ишларни ҳам амалга оширди. Ўзига содиқ ҳарбийлар билан бирга профессионал қўшин ташкил қилди, бир қанча суғориш лойиҳаларини ва маъмурий-ҳуқуқий ислохотларни амалга оширди” - деб, унинг давлатни бошқариш фаолиятига ижобий баҳо беради¹⁹. Садри Зиёнинг таъкидлашича, «Амир Насруллоҳ Бухорога подшоҳ бўлгандин кейин бародар ва ақорибларини тамом маҳв ва нобуд қилди. Забир ва Жаҳонгир тўраларнинг волидалари Жўйборий хўжалардин эди. Уларни Чоржўй тарафиға юбориб, иъдом қилди. Ақобири давлатлардин Ҳаким қўшбеги ва Исматуллоҳбек ва Аёзбекға ўхшаш бир неча улуг мартабадаги одамларни қатл ва амволларини ғорат қилди»²⁰. Тарихчи Ахмад Дониш амир Насрулло ҳақида шундай

¹⁸ Шодиев Ж.М. Бухоро амирлиги давлатчилигининг ривожланиши. Т: ТДЮИ нашриёти, 2010. 22-23-бб.

¹⁹ Бухоро амирлиги давлатчилигининг ривожланиши. 23-б.

²⁰ Вахидов Ш., Чориев З. Садри Зия и его библиотека. Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века. Серия «Книги, библиотеки, каталоги». Т.: Янги аср авлоди, 2007. – 352 с.

Date: 9th June-2026

ёзади: “У вазмин ва қўркмас, каттиққўл ва зукко ҳукмдор эди. Эл ва улусда фитна чиқаришда ном чиқарган ё илгариги амирларга нисбатан кўрнамаклик қилганнинг барчасини жазолади, ўз тарафдорларини сийлади”²¹.

Амир Музаффар отаси Насруллохон даврида Карманага ҳокимлик қилган. Амир Насруллонинг вафотидан сўнг эса Бухоро тахтига (1860 йил 23-сентябрь – 1885 йил 12-декабрь) ўтирган. Отаси томонидан Карманага сургун қилинган кишиларни Бухорога қайтариб, юқори лавозимларга тайинлаган. Муаррихлар томонидан Амир Музаффархон ҳукмронлиги даври яна шуниси билан эътироф этиладики, у ҳам бўлса, сарой ва ҳукмдор аъёнларнинг укувсизлиги, ўта жоҳиллигида кўринади. Отаси Насруллоҳ бундай кишиларни яхши ёмоннинг кадрили билсин деган мақсадда Карманага (яъни Музаффархон ҳузурига) сургун этган эди. Музаффархон эса ҳокимиятни қўлга киритгач асосий мансабларга Карманадан келганларга ишониб топширади. Бундай сиёсат Аҳмад Донишнинг фикрича, Мовароуннахрнинг руслар томонидан ишғол этилган вақтгача давом этди. Марказий ҳокимиятга бўйсунитишни истамаётган Ҳисор, Шаҳрисабз, Дарбоз, Қўлоб, Балжувон бекликлари ва Қўқон устига юриш қилиб, уларнинг қаршилигини енгди (1863-1865), мазкур ерлар амирликка қайтадан бўйсундирилди. Бу ерлар аҳолисига каттиқ жабр – зулмлар ўтказилди.

Амир Музаффар Маллахон томонидан тахтдан туширилган Қўқон хони Худоёрхон Бухорога қочиб келганида хонлик тахтини қайта эгаллаши учун унга ҳарбий ёрдам берган (1861). Музаффарнинг ҳукмронлик даври Россиянинг Ўрта Осиё хомликларига қарши ҳарбий ҳаракатлари кучайган даврга тўғри келади. Амир Насруллоҳ тирикчилигида Россия империяси қўшинлари Сирдарёдан ўтмаган эдилар. Улар дарё қирғоқларида жойлашиб қалъани тартибга солиб у ерда қурол – аслаҳалар, озиқ – овқатлар жамладилар. 1864 йилда Россия империяси қўшинларининг Тошкентга ҳужуми бошланиб²² дастлабки ҳаракатлар лашкарбоши Аликули томонидан муваффақиятли қайтарилди. Аликули эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, империя қўшинлари эгаллаган ҳудудларни озод қилиш учун қўшинни кўпайтириш ҳаракатига тушган бир пайтда, 1864 йил кузида Бухоро амири Музаффар Қўқон хонлигига қарашли ерларга бостириб киради. Қўқон хонлиги эса ўта кескин бир сиёсий вазиятда Бухоро амирига қарши юришга мажбур бўлди. Амир Музаффар эса Қўқон хонлигининг Россия империяси босқинчилигига қарши кураш билан банд бўлиб турганлигидан фойдаланиб, шиддат билан Ўзгангача бўлган ҳудудларни қўлга киритди. Яна бир манбада ёзилишича, “Амир Музаффар Қўқон ишларига аралашиб, бир неча маротаба зарар ва ихтилол етган вақтда Худоёрхонга

²¹ Матякубова М., Отамуротова Р. Бухоро амирлигининг XIX – XX аср боши сиёсий бошқарув тарихи асосида манбалар. ХОРАЗМ МА`МУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ 1/2015. 33-37-66.

²² Вохидов Ш. XIX аср-XX асрнинг бошларида Қўқон тарих навиблигининг ривожланиши, III ва IV боблар; Яна қаранг.: Муҳаммад Юнусжон Шиговул. Тарих-и Аликули амирлашқар // Шарқ юлдузи. 1996, № 1-2; Муҳаммад Юнусжон Тайиб. Тухфа-йи Тайиб. / Подготовка к изданию и предисловие. Б. М. Бабаджанов, Ш. Х. Вохидов, Х.Каматцу-Ташкент-Токио-2002. -46 с; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Чор Россияси мустақиллиги даврида. Т.1. -Т.: Зияев Ҳ. Туркистонда Россия таъовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII аср-XIX бошларида)-476 с.4; З.Илхомов. Аликули Амирлашқар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий тарихида тутган урни. Т.2004 йил.

Date: 9th June-2026

иноат тариқасида аскар билан Қўқонга кириб бориб, хутбаларда номини зикр қилдириб, Бухорога қайтди ва Ҳисор шаҳрини забт этиб, волийси Абдул-Каримбийни қатл қилди”²³.

Амир Музаффар Россия билан бўлган келишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф этишда умидини узмай, у Нажмиддинхўжа бошлиқ элчиларни Петербургга жўнатди (1865 йил июль). Бироқ, кўзланган мақсадга эришилмай, икки ўртада ҳарбий ҳаракатлар бошланди. Музаффар қўшини билан генерал Романовский бошчилигидаги Россия ҳарбий кучлари ўртасидаги дастлабки тўқнашув Жиззах билан Оратепа ўртасидаги Эржар (Майдаюлгун) да бўлиб, унда Бухоро қўшини мағлубиятга учраган (1866-й. 8-май)²⁴.

Амир Музаффар Россия билан Эржар (Эгрижар) ва Самарқанд мағлубиятидан сўнг Бухоронинг сарҳадлари Каттакўрғондан белгиланади ва руслар билан сулҳ шартномасини тузади²⁵.

Музаффар муфтий Муҳаммад Порсо бошчилигидаги элчиларни Афғонистон ва Ҳиндистон орқали ёрдам сўраб, Истанбулга юборса ҳам рад жавобини олган. Амир Музаффархоннинг Хожа Муҳаммад Порсо орқали ёрдам сўраб йўллаган мактуби инглизларнинг Ҳиндистондаги вакили Жон Лоуренс, кейинроқ эса Истанбулдаги элчилари Генри Эллаблар томонидан орадаги масофа узоқлиги ваз қилиниб, рад жавоби берилди. Шунингдек Туркия султониға жўнатилган бир қанча хатлар, мурожаатномалар ҳам юқоридагидек жавоблар олинди²⁶.

Подшо Россияси Ўрта Осиёни мол сотиш бозори, хом ашё манбаи деб билар эди. 1866 йилда рус қўшинлари Бухоро амирлиги чегараларига бостириб кирди ва Хўжанд (24 май), Ўратепа (2 октябрь), Жиззах (18 октябрь) шаҳарларини ишғол қилди. Истило этилган ерларни бошқариш учун 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. 1868 йил 2 май куни генерал Кауфман бошчилигидаги рус қўшинлари Самарқандни ишғол қилди. Июнь ойи да Бухоро амири Музаффар қўшинларига Зиравулоқ яқинида сўнгги қатъий зарба беридди. Амир генерал-губернаторга мурожаат қилиб, сулҳ тузишни сўради. 1868 йил 23 июнида икки ўртада шартнома имзоланди. Рус қўшинлари босиб олган ерлар подшо Россияси ихтиёриға ўтди. Бухоро амирлиги мустақил ташқи сиёсат юргизишдан маҳрум бўлди. Бухоро амирлигининг айрим ҳудудлари 1868 йилда Россия империяси томонидан босиб олиниши натижасида амирлик ерларининг учдан бир қисми подшо Россияси ихтиёриға ўтди; Хўжанд, Ўратепа, Панжикент, Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарларидан тортиб Зиравулоққача бўлган ерлар, Шарқий Бухорода эса Шуғнон, Воҳон, Рўшон вилоятлари, айниқса Зарафшон дарёси юқори ҳавзаси Россия тасарруфига тди. Босиб олинган ҳудудларда Самарқанд вилояти ташкил этилиб, унинг таркибига Самарқанд, Жиззах, Хўжанд уездлари кирган.

²³ Бухоро амирлигининг XIX – XX аср боши сиёсий бошқарув тарихи акс этган манбалар. 33-37-бб.

²⁴ Султонов Ф. Бозорбоев Ф. O'zbekiston hukmdorlari. Toshkent. Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti. 2007. 56-6.

²⁵ Бухоро амирлигининг XIX – XX аср боши сиёсий бошқарув тарихи акс этган манбалар. 33-37-бб.

²⁶ Иноятulloхўжа Шаҳрисабзи. Баёз // Қўлёзма. Равнакий Шаҳрисабзийнинг шахсий кутубхонаси фонди, № 65. 26 – 29 varaqlar.

Date: 9th June-2026



Амир Музаффар ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида уламоларга деярли эътибор бермади, улар билан бирор-бир масала юзасидан маслаҳат ҳам қилмади. Аммо, 1868 йилда амир руслардан мағлубиятга учрагач, уламоларга ён беришга мажбур бўлди. Чунки уламолар маҳаллий аҳолини русларга қарши курашишга даъват этган эдилар. Лекин фурсат қўлдан бой берилган эди. Уламоларнинг халқни кўтариши ҳам, амирнинг ўғли Катта Тўра (Абдумалик), Китоб ва Шаҳрисабз бекларининг саъй-ҳаркатлари ҳам бесамар кетди. Зирабулоқ яқинидаги жангда мағлубиятга учраган амир Музаффар руслар томонидан тузилган шартномага имзо чекишга мажбур бўлди. Унга кўра амир Ўратепа, Жиззах, Зарафшон воҳаси ҳудудларидан маҳрум бўлди, рус ҳукуматига 125 минг тилло микдорда тоvon тўлайдиган бўлди ҳамда Бухоронинг Россияга вассаллигини тан олди.

Амир Музаффар ҳукмронлиги даврида амирлик ҳудудлари анча қисқарди. Бунга аввало рус босқини сабаб бўлган бўлса, катта қийинчилик билан буйсўндирилиган Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари яна Бухорога буйсунишдан бош тортдилар. Ундан ташқари, русларга тўланган катта тоvon эвазига амирлик хазинаси бўшаб қолди. Амир ўз хазинасини тўлдириш учун қозилар ва раисларга аҳолидан турли хил йиғимлар йиғишга рухсат берди. Чунки бу йиғимларнинг катта қисми турли хил совғалар ва инъомлар тариқасида хазинага келиб тушарди. Амир Музаффар Россия империяси ҳукумати билан сулҳ шартномасини тузишга мажбур бўлган. Ушбу шартнома асосида Бухоро амирлиги ташқи ва ички сиёсий масалаларни ҳал қилишда мустақилликдан маҳрум бўлиб Россия давлати остидаги яриммустамлака давлатга айланди. Айниқса, чор қўшинларининг 1871-1872 йилларда Зарафшон дарёси бошқарувини назоратга олишлари Бухоронинг бундан кейинги ривожланишига салбий таъсир ўтказган. Амир Музаффар 1885 йил 31 октябрда касаллик туфайли вафот этади ва Бухородаги Эшон Имло мазорида дафн этилган²⁷.

Унинг ўғли амир Саййид Абдулаҳад 1885-1910 йиллар Бухоро амирлиги тахтини бошқарди. Абдулаҳад 14 ёшидан бошлаб Кармана беки этиб тайинланган. Рус сайёҳларининг маълумотларига кўра у Карманада жуда оддий кун кечирган. 1885 йил 4 ноябрда амир Абдулаҳадни Бухоро аркида оқ кигизга ўтирғизиб, тахтга ўтказиш маросими бўлиб ўтди. Фитратнинг фикрича, Абдулаҳад қайси ишни режалаштирмасин, ўзининг ҳимоячиси бўлган Россиянинг нуфуз ва ролини инobatга олишга мажбур эди. Шунинг учун ҳам Абдулаҳад даврида бу ҳокимнинг оталари қилган ўзбошимчалик ва ваҳшийликларига маълум даражада чек қўйилди²⁸.

Амир Абдулаҳад суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилишга ҳамда ушбу соҳани янада инсонпарварлик тамойили асосида шакллантиришга уринган. Амир Абдулаҳад турли йилларда Москва, Санкт-Петербургу, Киев, Одесса, Екатеринбург, Боку, Тифлис, Ботуми, Севастопол, Боғчасарой каби шаҳарларда бўлган. Унинг ҳукмронлиги даврида қийноқлар, ўлим ҳукми ва энг даҳшатли жазо -

²⁷ O'zbekiston hukmdorlari. 56-б.

²⁸ Абдурауф Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. / Тожиқ тилидан А Ирисов таржимаси. Т.: Минҳож, 1992. 10 бет. Яна қаранг: Холиқова Р. Кўрсатилган асари, 171-186 бетлар.

Date: 9th June-2026



Бухородаги Минораи Калондан ташлаб юбориш ман этилган. Амир Абдулахад даврида амирликда мис, темир, олтин казиб чиқариш, телефон линиялари ва темир йўллари қурилиши, савдо фаол ривожлантирилади. Абдулахад амирликдаги ҳарбий кучларга алоҳида эътибор берган. Ёшлик чоғидаёқ бўлажак амир ўз гарнизонида ҳарбий машқлар ўтказиб, Кармана қалъасини яхши ҳарбий ҳолатда тутган. 1895 йилдан бошлаб Бухоро амирлигида милиция хизмати йўлга қўйилган. Кейинчалик ҳам амир Абдулахад ўз қўшинини ҳарбий тайёргарлигини ошириш ва замонавий куруллантириш учун кўпгина ишларни амалга оширган. Бу ишларда асосан 1885 йил янги Бухорода (Когонда) фаолиятини бошлаган Россия императори сиёсий Агентлиги (1885 – 1917) бош – қош бўлган эди. Сиёсий агент Бухоро амири устидан назорат олиб бориб, унинг Петербург билан алоқа қилишида воситачи бўлган²⁹. Петербург тазйиқи билан амирликда бож ва пул ислоҳоти ўтказилиши, Россия империясининг мустамлака зулми ҳамда, амир истибдодининг кучайиб бориши халқни тобора оғир аҳволга солиб қўйди. Натижада амирликнинг турли ҳудудларида халқ ғалаёнлари авж олди. Амир Музаффархон даврида бошланган, у дафъ эта олмаган халқ ғалаёни Шеробод вилоятида 1885 йилдаёқ бошланган эди. Ушбу вилоят деҳқонлари 30 – 40 кун мобайнида солиқ тўлашдан бош тортдилар. Ҳукумат томонидан Бобожон жибачи ясовул Шерободга юборилса ҳам, ушбу ҳолат ҳеч қандай натижа бермади. Шундан сўнг Мулла Шариф мирохур ушбу масалани ҳал этишга борганда текширишлар натижаси шуни кўрсатдики, деҳқонлардан 4 ман хирож ўрнига 8 ман олинган³⁰. Бундан ташқари кўпгина ҳудудларда жами ҳосилнинг 50 – 60 % фоизига солиққа тортилгани маълум бўлди³¹. Бироқ, бу ҳолат ҳеч бир ижобий натижага олиб келмади.

1886 йил Россия императорлиги сиёсий агентларидан бири Н. Чериковнинг маълумотларига кўра 9 августда (1886) деҳқонлар ва солиқ йиғувчилар ўртасида Ҳисорда катта тўқнашув юзага келади³².

Бундан ташқари амирликнинг кўпгина ҳудудларида юзага келган деҳқонлар ғалаёнларида амирнинг Россия кучларига таянган ҳолда иш кўрган ҳолатларига дуч келамиз. 1888 йилда Кўлоб беклигида деҳқонлар кўзғолони кенг қулоқ ёйганда Помир чегара қўшини амирга ёрдам кўрсатиб кўзғолонни бостирган. 1889 йилда эса Калиф аҳолиси ҳоким зулмидан безор бўлиб кўтарилганда бекни рус қўшини ўз ҳимоясига олган.

Мазкур ҳолатларда кўриниб турибдики, амир ўз ҳудудида содир бўлаётган қонли курашлар, халқ норозиликларини бостиришда аксарият ҳолатларда босқинчилар мададига таянган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Абдулахад валиаҳдлик мақомини олиш чоғидаёқ келишилган рус императори билан битимга мувофиқ амирлик ҳудудида капиталистик муносабатлар анча жонланди. Хусусан, амирликда 1905 йилда 9 та

²⁹ Холикова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида. - Т.: Ўқитувчи, 2005. 186-196-66.

³⁰ ЎзРМДА. И-126 – жамғарма, 1 – рўйхат, 1267 – иш. 17 – варақ.

³¹ Мухсинова К. З. Документы о крестьянских движениях в Бухарском ханстве в 80 – е гг. XIX в. с. 16 – 17.

³² ЎзРМДА И-1 жамғарма, 34 – рўйхат, 668 – иш. 11 – варақ.

Date: 9th June-2026



пахта заводи ишлаб турган бўлса, 1913 йил Олимхон даврига келиб улар сони 26 тага етказилди. Кўпгина Россия фойдаси учун ишлайдиган завод ва фабрикалар сони ҳам тадрижий ҳолатда шундай ўсиши кузатилади. Амир Абдулаҳад 1910 йилда вафот этди, унинг 25 йиллик амирлигидан сўнг ўша йили амир Саид Олимхон ҳукмронлиги даври бошланди. Амир Олимхон 1881 йил Карманада туғилган. 1893 – 1896 йилларда Петербургда ўқиган. 1898 йил Қарши ҳокими, 1910 йил бошларида Кармана волийси бўлган.

Олимхон тахтга чиққач мамлакатда тартибсизликлар авж олди. Унинг сиёсатида ҳам Россия империясига мойиллик, уларга таяниб иш кўриш тобора кўпроқ кузатилар эди. 1914 йилда Тошкўприк, Шаҳрисабз, Китоб, Қарши ва Ҳисорда кўтарилган халқ ғалаёнлари рус ҳарбий кучлари ёрдамида бартараф этилди³³. Бу даврда амирлик сиёсатида Насруллоҳ қўшбегининг мавқеи анча баланд эди. Ҳаттоки, қози калон ва раисни мағбул этиб, уларнинг барча ишларини ўз қўлига олди. Саройдаги барча амирга яқин бўлган амалдорлар таъсирини бартараф этди. Мамлакат доирасида, ундан нуфузли ва қувватли мансабдор қолмаган эди. Вилоятларга қози, раис, мадрасаларга мударрис, масжидларга имом тайинлаш, қозикалоннинг, бозор тасарруфи раиснинг иши бўлса ҳам булар асли Насруллоҳ ихтиёрисиз ҳал бўлмас эди. Ҳатто амир Олимхоннинг ўз оиласи доирасида ҳал бўлиши мумкин бўлган баъзи ишларга ҳам Насруллоҳ қўшбеги бевосита ўз таъсирини ўтказар эди. У рус тилини билар, улар сиёсатини яхши тушунар эди. Бироқ, унинг душманлари устун чиқиб оила аъзолари билан бирга қатл этирилди ва қўшбеги лавозимига Мирзо Урганжий тайинланади.

1917 йилга келиб Россияда император бошқаруви афдалиб, сиёсий жараёнлар натижасида ҳокимиятнинг большевиклар томонидан эгалланиши Бухоро амирлигига ҳам таъсир кўрсатди ва 1920 йилда амирлик расман тугатилди. 1911-1920 йиллар Бухоро тахтини бошқарган амир Олимхон Бухорода совет ҳукумати ўрнатилгач Афғонистонга чиқиб кетди ва 1944 йил Қобулда вафот этди. 1920 йилда большевиклар томонидан Бухоро амирлигининг қолган барча бекликлари босиб олинди ва амирлик ўрнида Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил этилган.

³³ ЎзРМДА, 3 – жамғарма. 2 – рўйхат. 178 – иш. 15 – варак.